



Бенгализабон мусулмонлар араблардан кейин энг катта лингвистик гурух хисобланади.

Минг афсуски, Европа, Канада ва Америкада ўсиб улгайган Бангладешликлар ўз халкининг тарихи, маданияти ва меросини, шу билан бирга хадисларнинг катта меросидан хам деярли хабардор эмаслар.

Оммада кенг таркалган фикрга карши мусулмончилик хозирги Бангладеш худудида Силхетлик Шоҳ Жалолдан (хижрий 815 йилда вафот этган) бир мунча аввал кириб келган. Аслида, араб ва форс тијоратчилари Читтагонда VII асрда хам бўлганлар. Ражшахи ва Комиллада топилган Аббосийлар халифати даврида зарб этилган кадимги тангалар мусулмолмонлар билан савдо исломнинг биринчи асрларидан бошлангалигидан далолат беради.

Муаллиф:  
09.05.2017 16:08 -

---

Комиллада замонамизнинг энг нуфузли мухаддислардан бири Мухаммад Абдулмалик таваллуд топган.

Хадисшунослик Гарбий Бенгалияда шайх Жалолуддин Табризий (хижрий 642 йилда вафот этган) туфайли ташкил топган, яъни Шох Жалол дунёга келишидан анча олдин, деб таъкидлайди Уолсоллик (Англия) шайх Имдадулхакк Хобингонжи (*Imdād al-Ḥaqq Hobigonji*). Айнан Бангладешнинг худудига келсак, биринчи хадисшунослик маркази Сонаргаонда шайх Шарофуддин Абу Тавама (хижрий 700 йилда вафот этган) томонидан ташкил этилган.

Машхур «Машариф ал-Анвар»ни ёддан билган таникли мухаддислардан хижрий 8-асрда яшаган шайх Ахи Сиража Бенгалийни эслаш мумкин. Унинг устози шайх Низомуддин Авлиё амри билан Харбий Бангладешга бориб ушбу машхур асарни ўрганган.

Кейинчалик бу жойларни ўз ташрифи билан, хадисни оммалаштириш билан машхур бўлмасада, икки буюк донишмандлар шарафлади: шайх Абдулкодир Жийлонининг невараси Саид Ахмад Танури хамда кўпкина хиндуист ва буддистларни Исломга киришига сабаб бўлгани билан танилган шайх Шох Жалол. Шунинг учун бўлса керак кўп аник маълумотга эга бўлмаганлар Исломни Бенгалияга шайх Шох Жалол олиб келган деб ўйлайдилар.

Шайх Шох Жалол номи хар бир Бангладешли мусулмонга таниш, уни хаэррат деб билишади, у оркали Аллоҳ (хамду санолар бўлсин) талайгина мўжизалар яратган. Бу тўгрисидаги хикоялар бир оз бўртирилган бўлсада, уларга гувохлар шохидлик беради. Имом Тахавий ёзиши бўйича:

«Ишончли гувохлар тасдиклаган бўлса авлиёлар килган мўъжизаларга ишонамиз»

Дунёда биринчилар каторида йўл давомида бўлган ходисаларни кайд этиш тарикасида битилган «Рихла» асарининг муалифи Ибн Баттута Силхетга ташриф буюрганда шайх Шох Жалол бешта мўжизасига гувох бўлган. Диккатни тортадигани шуки, ўзининг келишини хам башорат килган:

Муаллиф:  
09.05.2017 16:08 -

---

«Ушбу шайхни етиб боришимга икки кун колганда мени тўртта шогирдлари кутиб олди. Уларни гапига караганда, шайх ёнидаги факирларга: «Сизларга Марокашлик саёҳ келаяпти. Бориб кутиб олингар» деган. Унинг буйругига биноан улар йўлга отланишган. У мен тўгримда аввал билмаган эди, унга гоибдан белги берилган бўлса керак. Улар билан шайх томон йўл олдим ва у яшаган горга келдим. Мен кирганимда у туриб мени кучоклади ва менинг мамлакатим ва саёҳатим тўгрисида сўради. Мен таърифлаб бердим. У шундай деди: «сен араб ерларда саёҳлик киларкансан». Шогирдларидан бири: «Устозим, нафакат араб ўлкаларда» – деди. Унга «Тўгри, нафакат арабларнида. Уни муносиб меҳмон килинглар» – деб жавоб берди. Улар менга бошпана бердилар ва мен уч кун меҳмон бўлдим».

У буюк донишманд бўлишига ва у туфайли кўпчилик мусулмончиликни кабул килишига карамай, шайх Шоҳ Жалол хадисларни таргибот килганлиги тўгрисида маълумотлар мавжуд эмас. У замонлардан бери Бангладеш, фан ривожига ва халк маънавиятини юксалтиришига катта хисса кўшган, кўплар таникли арбобларни кўрган.

Ал-Хаж Шария Аллоҳ (хижрий 1243 йилда вафот этган) ва мавлоно Карамат Али ал-Жаунпури (хижрий 1260 йилда вафот этган) ўз хаётларини халкни захарлаётган ширкни ёкотишга, уларда тавхидни уйготишга багишладилар. Мавлоно идрис ал-Сулҳети ва унинг ўғли Абд ал-Қодир «Жам ал-Жавоми», «Шарҳ ақид ан-насафия», «Ал-Фикх ал-Ақбар» номли хадисларга изохлар ва ақидашунослик китоблар колдирган.

Бангладешнинг Хатазариясида жойлашган “Дорул-улум муъин ул-ислам” “Бенгалия Азхар”и деб ном олган университети сихохи ситта (олтита энг таникли хадис китоблар)ни 1908 йилда ўкиш дастурига киритган илк таълим масканларидан хисобланади.

1909 йилда Хиндистоннинг Калкутта шахрида таъсис этилган “Ал-Алия” хам шуни тадбик этди.

Шайх Имدادул-Ҳакк Ҳобигожи ўзининг “Хидоят сари” асарида бу мавзуга 15 сахифа багишлаган хамда унга Бангладешнинг олтмишта нуфузли олим ва донишмандлар тўгрисида маколалар хам жойлаштирган. Ўзининг камтарлиги туфайли улар орасида ўзини кайд этмаган. Лекин унинг шогирди «бўшликни» тўлдириб шайхнинг киска

Муаллиф:

09.05.2017 16:08 -

---

таржимаи холини ёзди. Диккатни тортадиган томони шундаки, у ўкишни тугатганидаёк мауллимлари бир овоздан “Сахих ал-Бухорий” бўйича дарс беришга тайинладилар – одатда бундай шарафга кўпни кўрган сочи окарган олимлар сазовор бўлар эди. Яна бир киззик факт, Аллоҳ ижозати билан у Саудия рахбаридан Мakkанинг Масжид ул-Харамда хадисшуносликдан дарс бериш руҳсатини олди.

Ўз фаолиятини жуда барвакт бошлаганлигига карамай шайх ўз гайратларини халихам йукотмаганлар. Мен 1437 йил 12 шаввал (2016 йил 17 июл)ида 76 ёшли шайх билан учрашганимда савол бердим: «Сиз «Сахих ал-Бухорий»га араб тилида изохлар ёзишни бошлаганизда неча ёшда эдингиз?». Улар «Мен унда энди 45га кирган эдим» – деб жавоб бердилар.

Унинг мисоли замонамиз ёшларини илхомлантириши лозим, ахир улар эрта кунимиз эгаларига айланишлари керак.